

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВА ОЗОДАХОН ҚУРВОНАЛИ ҚИЗИ

НЕМИС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА МНЕМОТЕХНИКАДАН
Фойдаланиш технологияси

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хасанова Озодахон Курвонали қизи

Немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш
технологияси.....3

Khasanova Ozodakhon Kurvonali kizi

Technology of using mnemotechnics in teaching German27

Хасанова Озодахон Курвонали қизи

Технология использования мнемотехники при обучении немецкого
языка.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВА ОЗОДАХОН ҚУРВОНАЛИ ҚИЗИ

НЕМИС ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА МНЕМОТЕХНИКАДАН
Фойдаланиш технологияси

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
комиссиясида В2021.4.PhD/Ped1209 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме) Фарғона давлат
университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим портали
www.ziyouet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳорова Мавлуда Мукаррамовна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Умарходжаев Мухтор Ишанходжаевич
филология фанлари доктори, профессор

Ўринова Нилуфар Муҳаммадовна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «29» сентябрь 2021 йил соат 14⁰⁰ даги
мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373)
244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш
мумкин (144 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар
кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «17» сентябрь куни тарқатилди.

(2021 йил «17» сентябрь даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М. Искандарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т. Зокиров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

М.Х. Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш асосидаги бир марталик
Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё илм-фани ривожда тил ўрганиш масалалари ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Чет тилларни ўрганиш турли соҳалар ривожига ҳисса қўшиши билан бирга бу жараённинг ўзида ҳам муайян янгиликларга эҳтиёж пайдо бўлади. Жаҳон бўйлаб чет тилларни ўргатиш ва ўрганишда хотира имкониятларидан самарали фойдаланиш, ўзлаштирилиши лозим бўлган катта ҳажмдаги маълумотларни кам вақт ва оз куч сарфлаб ўрганиш, тил ўрганувчиларда мнемотехник компетенцияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу маънода олий таълим муассасалари немис тили йўналиши талабаларига тил ўргатиш жараёнида муайян самарадорликка эришишда мнемотехникадан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш муаммосини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тилларни ўқитиш методологиясида тил ўрганувчиларнинг маълумотларни ўзлаштириш усуллари асосланган ҳолда ўқув материалларини ишлаб чиқиш, унинг ўргатиш ва ўрганиш жараёнидаги аҳамияти, тил ўрганувчиларда креатив фикрлашни шакллантиришга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари ментал ўрганиш усуллари чет тил таълимининг интенсивлашишига, жараён динамикасининг ошишига, тил ўрганувчиларда ўқув мотивациясининг ривожланишига, мнемотехник компетентликни шакллантириш асосида тил ўрганишга бўлган иштиёқни кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбек тилида сўзлашувчилар учун чет тилларни ўқитиш борасидаги янгиликлар турли ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлар туфайли босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Хусусан, «Хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш...»¹ масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бўлажак чет тил ўқитувчиларида мнемотехник компетенцияни шакллантириш, хотира имкониятларидан фойдаланиш орқали самарадорликка эришиш модели мазмун-моҳиятини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш ва моделлаштириш, мнемотехниканинг тил ўргатиш ва ўрганиш жараёнининг интенсивлиги ва қизиқарлилигини оширишдаги аҳамиятини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса чет тиллар таълими сифатини юқори босқичга олиб чиқишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2021 йил 3 февралдаги 2017-2021

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сон Қарори. -Т.: 2021 йил 19 май

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155 сонли фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги ВМҚ 174-сон «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 11 августдаги ВМҚ-610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 10 октябрдаги ВМҚ-816-сон «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда чет тилларни ўқитиш муаммолари Ж.Жалолов, Г.Бакиева, Ў.Хошимов, Т.Сатторов, С.Саидалиев, Г.Маҳкамова, С.Мисиров, М.Дадаходжаева, М.Ходжаев, М.Қаҳҳорова, Д.Таджибаева, М.Якуббаев каби олимларнинг ишларида ёритилган¹.

¹ Jalolov J. Chet tili o'qitish metodikasi. O'qituvchi. –T.: 2012. – 434 b.; Jalolov J.J., Makhkamova G.T., Ashurov Sh. S. English Language Teaching Methodology (Theory and Practice). – T.: 2015. – 336 p.; Bakieva G., Iriskulov M., Russek M., Kan G., Tahirjanova S., Kambarov. N. Stay in Touch, O'zDJTU. – T., 2007.– 279 p.; Хошимов Ў ва бошқалар. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Т., 2003. – 210 б.; Сатторов Т. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси (инглиз тили материалида) ТДЮИ. – Т., 2003. – 198 б.; Саидалиев. С. Чет тил ўқитиш методикаси очерклар. –Наманган., 2004. –238 б.; Makhkamova G.T., Alimov Sh. S., Ziyayev A.I. Innovative pedagogical technologies in the English Language Teaching. – T., 2017. – 232 p.; Мисиров С.А. Касб-ҳунар коллежларида инглиз тилини ўқитишнинг лингводидактик асослари: Пед. фан. номз. дисс. автореф. –Т., 2007. –24 б.; Дадаходжаева М.С. Учебные комплексы и значения упражнений и заданий в них. // Иностранные языки в Узбекистане. Научно-методический электронный журнал. Ташкент. – № 3 (22). – 2018. – С. 107-108; 66. Ходжаев М., Qahhorova M. Chet til o'qitish metodikasi. – T.: 2012. –182 b.; Таджибаева Д.А. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг чет тили коммуникатив компетенциясини шакллантириш (немис тили мисолида): Пед. фан. бўйича фалсафа док. ... дисс.автореф. –Т., 2020. – 53 бет; Якуббаев М.М. Талабаларда миллатлараро толерантликни ривожлантиришнинг этнопедагогик асосларини шакллантириш: Пед. фан. бўйича фалсафа док. дисс.автореф. –Наманган., 2021. – 50 бет.

МДХ давлатларининг М.Зиганов, В.Козаренко, А.Семинов, П.Аталаеваника, И.Мамиева каби олимлари мнемотехниканинг чет тилларни ўрганишдаги аҳамиятини инглиз-рус ва немис-рус тиллари мисолида ёритиб беришган¹.

Жаҳон тилларни ўқитиш методикасида мнемотехникадан фойдаланиш мавзусининг ўрганилиши дастлаб Й.Буно²нинг изланишида кўзга ташланади. Шунга қарамасдан, бу мавзуни кенг тадқиқ этиш ўтган асрнинг охириги чорагига келиб шакллана бошлаган. Мавжуд тадқиқотлар асосан инглиз тилида амалга оширилган бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида Р.Аткинсон, Р.Шиффрин, А.Коэн, М.Рауг, Ж.Левин, К.Хигби, Г.Миллер, М.Прессли, Ф.Белецца, М.Роббинс, С.Бенге, А.Кампос, Ф.Крейк ва Р.Локхарт каби олимларнинг тадқиқотларини келтиришимиз мумкин³. Уларнинг тадқиқотларида асосан мнемотехниканинг калит сўз методини инглиз тилини ўрганиш жараёнига татбиқ этиш йўллари ўрганилган.

Немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш масалаларига оид тадқиқотлар эса асосан ўтган асрнинг сўнгги йилларида амалга оширилган. Улардан Ж.Рурер, Ҳ.Шпербер, В.Тонсхоф, У.Нордкемпер-Шлайхер, М.Шпитцернинг тадқиқотлари алоҳида аҳамият касб этади⁴.

¹ Зиганов М., Козаренко В., Семинов А.Н. Техника запоминания иностранных слов (запоминание на основе визуального мышления). –Москва: Издательство Образования. 2002. – 110 с.; Аталаеваника П. Обучение произносительным навыкам второго иностранного языка в многоязычной аудитории (Немецкий язык, языковой факультет национального ВУЗа): Автореф. дисс. канд. пед. наук. –Пятигорск., 2004. – 20 с.; Мамиева И. Мнемотехнические приемы работы с лексикой на занятиях по русскому языку как иностранному: Дисс. канд. пед. наук. – М., 2002. – 157 с.

² Buno J. Neue Lateinische Grammatica In Fabeln und Bildern. –Danzig: 1651. –244 S.

³ Atkinson R., Raugh M. An application of the mnemonic keyword method to the acquisition of a Russian vocabulary. // *Journal of Experimental Psychology*. № 104. – p: 126–133.; Cohen A. The use of verbal and imagery mnemonics in second-language vocabulary learning. // *Studies in Second Language Acquisition*. 1987. № 9. – p: 43-62.; Cohen A., Aphek E. Easifying Second Language Learning. // *Studies in Second Language Acquisition*. 1981. № 2. – p: 221-236. Levin J. The mnemonic '80s: Keywords in the classroom. // *Educational Psychologist*. 1981. №16. – p: 65–82.; Levin J. Pictorial strategies for school learning: Practical illustrations. *Cognitive strategies research. // Educational applications*. –New York. Springer-Verlag. 1983. – p: 284-304.; Higbee K. More Motivational Aspects of an Imagery Mnemonic. // *Applied Cognitive Psychology*. 1994. № 8. – p: 1-11.; Pressley M. Use of a mnemonic technique to teach young children language vocabulary. // *Contemporary Educational Psychology*. 1981. № 6. – p: 110-116.; Miller G., Levin J., Pressley M. An adaptation of the keyword method to children's learning of foreign verbs. // *Journal of Mental Imagery*. 1980. № 4. – p: 57–61. ; Bellezza F. Mnemonic-device instruction with adults. // *Cognitive strategy research: Psychological foundations*. 1983. – p: 51–73.; Bellezza F. Mnemonic devices: Classification, characteristics, and criteria. // *Review of Educational Research*. № 51. –p: 247–275.; Benge C., Robbins M. Using keyword mnemonics to develop secondary students' vocabularies: A teacher's action research. // *Journal of Language and Literacy Education*. 2009. № 6(1). –p: 93-104.; Campos A. Limitations of the Mnemonic-Keyword Method. // *The Journal of General Psychology*. 2003. № 130(4). – p: 399-413.; Craik F., Lockhart R. Levels of processing: A framework for memory research. // *Journal of Verbal Learning and Verbal Behavior*. 1972. № 11. – p: 671-684.

⁴ Rohrer J. Zur Rolle des Gedächtnisses beim Sprachenlernen. –Bochum: Verlag Ferdinand Kamp. 1978. –136 S.; Sperber H. Mnemotechniken im Fremdsprachenerwerb. Mit Schwerpunkt «Deutsch als Fremdsprache». Iudicium Verlag. 1989. – 344 S.; Sperber H. Gehen - ging - gegangen. // *Fremdsprache Deutsch*. 1993. № 8. – S. 19-25.; Sperber H. Gedächtnistechniken für Deutsch als Fremdsprache Workshop im Informationszentrum. // *Vortrag*. – München. 2009. – S. 1-6.; Tönshoff W. Training von Lernerstrategien im Fremdsprachenunterricht unter Einsatz bewusstmachender Vermittlungsverfahren. // *Strategien und Techniken beim Erwerb fremder Sprachen*. –Ismaning., Max Hueber Verlag, 1996. S. 203 – 215.; Nordkämper-Schleicher U. Besser behalten. Mnemotechniken beim Sprachenlernen am Beispiel «Deutsch als Fremdsprache» für Erwachsene: Dissertation. – Pädagogische Hochschule Freiburg., 1998. – 202 S.; Spitzer M. Lernen. Gehirnforschung und die Schule des Lebens. –Berlin: Spektrum Akademischer Verlag. 2002. – 528 S.; Spitzer M. Selbstbestimmen. –Berlin: Spektrum Akademischer Verlag. 2004. – 438 S.

Сўнгги 20 йиллар ичида немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш технологиялари бир неча олим, педагог ва методистларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, П.Хайнрих¹нинг изланиши диққатга сазовор.

Сўнгги йилларда ўзбек тадқиқотчиларидан Ш.Раҳмонов ва И.Саттибоев²лар ўз тадқиқотлари билан чет тилларни ўқитишда мнемотехникадан фойдаланиш масаласини маълум даражада ёритишга ҳаракат қилганлар. Ушбу тадқиқот инглиз тилини мнемотехникадан фойдаланиб ўргатиш ва ўрганиш масаласига қаратилган бўлиб, немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш мавзуси ўзбек тадқиқотчилари томонидан монографик планда махсус тадқиқ этилмаган.

Мазкур тадқиқот иши немис тилини ўрганаётган талабаларда мнемотехник компетенцияни ривожлантиришга, мнемотехник материалларни қўллаган ҳолда уларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш ва ўрганиш самарадорлигини ривожлантиришга қаратилганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Чет тилларни ўқитишнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш технологияларини тадқиқ этиш ва мнемотехник ўқув материалларини ўзбек аудиториясига самарали татбиқ қилиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

немис тили грамматик қоидаларини, хусусан отларнинг артиклини, кўмакчиларнинг келишикларда қўлланилиши, феъл замонлари, нотўғри феълларнинг уч асосий шаклини ёдда сақлаш усулларини такомиллаштириш;

немис тилида янги сўзларни ўргатиш ва ўрганиш усулларини ривожлантириш ва немисча-ўзбекча мнемоник табиатли ўқув материалларини ишлаб чиқиш;

немис тилини мнемотехника ёрдамида ўргатиш орқали тил ўрганиш жараёнининг интенсивлиги, самарадорлиги ва қизиқарлилигини ошириш асосларини ишлаб чиқиш;

талабаларда хотира имкониятларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш асосида самарадорликка эришиш моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари талабаларига мнемотехника ёрдамида немис тилини ўргатиш жараёни ҳисобланади.

¹ Heinrich P. Deutsch lernen mit Mnemotechniken. – E-Book. 2008. – 144 S.; Heinrich P. Kognitive Strategien. Mnemotechniken im Daf/DaZ-Unterricht. E-Book. – 81 S.

² Rahmonov Sh., Sattiboyev I. Soʻz yodlash sirlari. -T.: Istiqlol nuri, 2015. –125 b.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасалари талабаларига немис тилини мнемотехника ёрдамида ўргатишнинг педагогик мазмуни, метод ва воситалари саналади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, сўровнома ўтказиш, педагогик прогнозлаш ва ташхислаш, эксперт баҳолаш, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

немис тилида отларнинг артиклини тўғри қўллай олиш, кўмакчиларни келишикларда аралаштириб юбормаслик, феъл замонлари, нотўғри феълларнинг уч асосий шаклини ёдда сақлаш кўникмалари мнемотехниканинг ассоциация қилиш, визуаллаштириш, акроним, акростик, тана аъзолари ҳаракати ёрдамида ўрганиш усулларида фойдаланиш асосида такомиллаштирилган;

немис тилида янги сўзларни ўргатиш ва ўрганиш жараёни мнемотехниканинг калит сўз, визуаллаштириш, ҳикоя тузиш усуллари асосида ривожлантирилган ва «Ўзбекча-инглизча-немисча-русча мавзулаштирилган расмли луғат» яратилган;

мнемотехник компетентликни ривожлантирувчи ўқув материалларидан фойдаланиш, катта ҳажмдаги маълумотларни кам вақт ва оз куч сарфлаб ўргатиш усуллари татбиқ қилиш, талабаларнинг маълумот қабул қилиш йўлларига қараб ўқув материалларини тайёрлаш орқали тил ўрганиш жараёнининг интенсивлиги, самарадорлиги ва қизиқарлилиги ошиши асосланган;

талабаларда хотира техникалари асосида билиш фаолиятини ривожлантириш, дарс машғулотларида мнемотехник ўқув материалларга нисбатан шахсий муносабатни шакллантириш, талабаларга мнемотехника мезонлари ва турлари ҳақидаги маълумотларни сингдириш, мнемотехник компетентликни шакллантириш асосида самарадорликка эришиш моделининг мазмунга доир компоненти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланишга доир тадқиқотнинг амалга оширилиши натижасида олинган хулосалар чет тил ўқитиш методикаси, чет тилларни ўқитишнинг қиёсий методикаси, тил кўникмалари интеграцияси йўналишларини илмий-амалий қарашлар билан бойитиши асосланган;

мнемотехник визуаллаштиришга асосланган «Ўзбекча-инглизча-немисча-русча мавзулаштирилган расмли луғат» нашр этилган;

«Multi dictionary» номли электрон луғат яратилган (02.12.2019 йил. DGU 07463);

«Қувноқ немис тили» номли электрон дастур яратилган (24.06.2020 йил. DGU 08633).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилиши, тақдим этилган хулоса ва таклифларнинг қатъийлиги, маълумотларни таҳлил қилишда Ўзбекистон ва жаҳоннинг аниқ илмий манбаларига таянилганлиги, эришилган самарадорлик натижалари математик-статистик усуллар ёрдамида асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти немис тили дарсларида мнемотехникадан фойдаланиш хусусиятлари аниқланганлиги ва илмий қарашлар баён этилганлигида кўринади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар немис тилини ўқитиш методикаси доирасида олиб бориладиган тадқиқотлар учун илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти коммуникатив грамматика, оғзаки нутқ кўникмалари, ўқиш ва ёзиш амалиёти, тил кўникмалари интеграцияси, чет тилларни ўқитишнинг қиёсий методикаси, тил аспекти амалиёти ва нофилологик йўналишларда чет тил фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш технологияси тадқиқоти назарий таклифлари, амалий тавсиялари ва хулосалари қуйидагиларга татбиқ этилган:

сўзларни ва грамматик қоидаларни калит сўз, визуаллаштириш, ҳикоя тузиш, тана аъзолари ҳаракати ёрдамида ўрганиш усуллари орқали ўргатишда мнемотехникадан фойдаланишга оид хулосаларидан «Deutsch mit Spaß» номли 3,4-синф ва «Deutsch» номли 9-синф немис тили дарсликларини тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 17 июндаги АИ 154-сон қарори). Натижада дарсликларнинг «Mein Haus», «Mein Zimmer», «Meine Verwandten», «Berufe», «Die Wirtschaft» бўлимларидаги маълумотларнинг таъсирчанлиги, қизиқарлилиги, ранг-баранглиги ортган, грамматик қоидалар тана аъзолари ҳаракати, визуаллаштириш ёрдамида эслаб қолиш учун йўналтирилган, мавзулар илмий қарашлар асосида далилланган;

маълумотларни бир-бирига ассоциация қилиш, визуаллаштириш, акроним, акростик, тана аъзолари ҳаракати ёрдамида ўрганиш, хотиранинг ўрганиш жараёнидаги аҳамияти таҳлили юзасидан берилган таклифлардан 2013-2014 йилларда бажарилган И – 2013 57-рақамли “Ижтимоий экология муаммолари” фундаментал лойиҳаси доирасида тайёрланган “Ижтимоий экология муаммолари” монографиясини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги 06-06/6345-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг самарадорлиги ва изчиллиги ортган.

чет тилларни ўргатиш жараёнининг интенсивлиги ва қизиқарлилигини ошириш шароитларини аниқлаш ва методик жиҳатдан такомиллаштиришда катта ҳажмдаги маълумотларни кам вақт ва оз куч сарфлаб ўргатиш усуллари татбиқ қилиш, мнемотехник ўқув материаллари базасини шакллантириш юзасидан «Ўзбекча-инглизча-немисча-русча

мавзулаштирилган расмли луғат» яратилган (Фарғона политехника институти Услугий кенгашининг 2019 йил 30 октябрдаги 1-сон йиғилиш қарори). Натижада немис тили, инглиз тили, нофилологик йўналишлар талабаларининг сўз бойлигини оширишга, мнемотехник компетенцияларини ривожлантиришга эришилган;

мнемотехник компетентликни ривожлантирувчи ўқув материалларидан фойдаланиш, катта ҳажмдаги маълумотларни кам вақт ва оз куч сарфлаб ўргатиш усулларини татбиқ қилиш, талабаларнинг маълумот қабул қилиш йўлларига қараб ўқув материалларини тайёрлаш орқали тил ўрганиш жараёнининг интенсифлиги, самарадорлиги ва қизиқарлилиги ошишига оид хулосалардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2019-2021 йилларда «Очиқ мулоқот», «Долзарб мавзу», «Замондош», «Қадрият», «Маънавият – қалб кўзгуси», «Кун мавзуси», «Фарғона – 24» кўрсатувларида кенг фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 19 апрелдаги 19-04/03-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва радиоэшиттириш материаллари мазмунан янгича қарашлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Диссертация натижалари 19 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 14 та, 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси юзасидан 31 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 167 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузулиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган бўлиб, унда мнемотехникага оид илмий-методик ишлар таҳлил қилинган, мнемотехниканинг тарихий тараққиёти, методик мезонлари ва

мнемотехника турларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида умумий маълумот берилади.

Мнемотехника сўзи грекча «mnémōē» (хотира ва эслаш) ва «technē» (санъат) сўзларидан олинган бўлиб, *хотирани санъат даражасига кўтариши* маъносини англатади. Мнемотехника тушунчаси грекларнинг хотира илоҳаси Мнемосин номидан олинган.

Жаҳон педагогикасида мнемотехника тушунчаси олимлар томонидан турлича таърифланади. Инглиз олими К.Ҳигби мнемотехникани «aiding the memory», яъни «хотирага ёрдам берувчи» деб қайд этади¹. Яна бир инглиз тадқиқотчиси И.Росдиана «specific memory improvement», яъни «ўзига хос хотирани такомиллаштириш» деб таърифлайди². Рус тадқиқотчилари М.Тихоненко ва Е. Лазинина эса «хотиранинг методик тренировкеси ва ривожланиши» деб қайд этадилар³. Румин методистлари К.Лусиан-Ионел ва Н.Ралука мнемотехника тушунчасини «хотирани тўғрилаш» деб таърифлайдилар⁴. Биз эса олиб борилган тадқиқотларга асосан, мнемотехникага қуйидагича таъриф беришни маъқул топдик: мнемотехника инсоннинг хотира имкониятларини кўрсатиб берувчи, маълумотларни осон эслаб қолиш ва уларга қайта мурожаат қилинганида тезкорликка эришишни, тил ўрганиш жараёнини осон кечишини таъминловчи, талабаларга мотивация беришга хизмат қилувчи, чет тил дарсларида ёрдамчи усул сифатида қўлланилиши мумкин бўлган техникадир.

Тадқиқотда мнемотехниканинг эслаш ва ёдда сақлаш учун ёрдамчи восита ҳисобланиши, ўрганилаётган ёки ўрганилган маълумотларни хотирада узоқ сақлаш ҳамда уларни тезроқ ёдга туширишга ёрдам бериши, ўрганиш самарасини ошириши далилланган.

Хотиранинг тил ўрганиш жараёнидаги аҳамияти, унинг сенсорли хотира, қисқа муддатли хотира, узоқ муддатли хотира каби турларга бўлиниши, улар томонидан ахборотнинг қабул қилиниши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мнемотехникадан фойдаланишга оид илмий-методик манбалар таҳлил қилинган, уларнинг чет тил ўқитиш жараёнидаги аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотда мнемотехник материалларни тайёрлашда талаб этиладиган методик мезонлар тавсифи ишлаб чиқилган.

Мнемотехниканинг асосий мезонлари бир-бирига боғлаш, танишлик, жонлилиқ, ранглилик, антиқалик, ўрганувчининг ўзи томонидан яратилиш эканлиги белгиланган. Мнемоник материалларни яратишда ушбу методик мезонлар муҳим саналади, яъни тайёрланаётган материал аввал ўрганилган маълумотларга боғланса, жонли, ҳиссиётга бой, рангли бўлса, ўз антиқалиги

¹ Higbee K. Recent Research on Visual Mnemonics: Historical Roots and Educational Fruits. // Review of Educational Research. 1979. № 49(4). – p: 612.

² Rosdiana I. The effectiveness of mnemonic devices in vocabulary learning process. –Jakarta: 2009. – 63 p

³ Тихоненко М., Лазинина Е. Мнемоника в рамках иностранного (английского) языка. // Перспективы науки и образования. 2018. № 5 (35). – с. 180.

⁴ Lucian-Ionel C., Raluca A. Enhancing Creativity: Using Visual Mnemonic Devices in the Teaching Process in Order to Develop Creativity in Students. // Sustainability 2020. 1985. – p: 1-11.

билан ажралиб турса, айниқса, тил ўрганувчининг ўзи томонидан яратилган бўлса, унинг ёдда сақланиши осон кечади ва шу маълумотга қайта мурожаат қилинганда тез ёдга тушади. Масалан, «Fahrrad/Hund» (велосипед/ит) сўзларини ёдда сақлаш учун велосипед миниб олган итни тасаввур қилиш ёки тасвирлаш мумкин. Бунда жонлилик алоҳида аҳамият касб этади, чунки велосипед олдида турган итнинг расмидан, велосипед миниб олган ит тасвири тил ўрганувчилар учун қизиқарлироқ ҳисобланади. Жонли тасвирлаш эса ўз-ўзидан визуаллаштиришга олиб келади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мнемотехниканинг барча мезонлари ўзаро мустаҳкам алоқада бўлади.

Тадқиқотда мантиқан ва табиатан бир-бирига боғлиқ бўлмаган маълумотларни эслаб қолиш лозим бўлганда ўзаро боғлашдан фойдаланиш кутилган самарани бериши аниқланган.

Аниқ нарсаларни мавҳум тушунчаларга қараганда ёдда сақлаш осонроқ. Маълумот қанчалик аниқ бўлса, уни эслаб қолиш ва қабул қилиш шунчалик осон кечади. «Аниқ нарсаларни тасаввур қилиш ва тасвирлаш ҳам осон бўлиб, тил ўрганувчи бундай нарсаларни кодлашда муаммога дуч келмайди»¹. Шунинг учун ўрганилаётган мавҳум сўзни аниқлаштириш яхши самара беради. Масалан *der Traur/motam* мавҳум сўзини аниқлаштириш учун мотамдаги аёлни тасаввур қилиш ёки тасвирлаш мумкин. Бунинг учун расм ёки модель сингари ўрганиш воситаларидан фойдаланиш зарур.

Тадқиқотда рангларнинг ўрганиш самарадорлигига таъсири аниқланган. Психологик тадқиқотларда рангларнинг ўрганиш жараёнига кучли таъсир этиши чуқур ўрганилган². Ранглар тушунишнинг муқобил варианты бўлиб, унинг ёрдамида маълумот яхши ўзлаштирилади. Ранглар, айниқса, маълумотларни гуруҳларга ажратиб ўрганишда яхши самара беради. Масалан, гапда қўлланилган *Dativ* ҳамда *Akkusativ* келишиги кўмакчиларини икки хил рангда маркерлаш ёрдамида уларнинг гапдаги тартибини тушуниб олиш мумкин. Бунинг натижасида тил ўрганувчига уларнинг гапда қандай тартибда қўлланилиши вербал қоидасиз ҳам тушунарли бўлиши далилланган.

М.Дуяр³нинг фикрича, хотира расмларининг таъсирчан бўлиши қуйидаги хусусиятларга боғлиқ бўлади:

1. Ментал ўрганиш билан шуғулланиш учун дастлаб кўзларни юмган ҳолда диққатни жамлаб олиш зарур.
2. Расмлар жонли ва аниқ бўлиши керак.
3. Расмлар интерфаол ва ҳаракатда тасвирланиши керак.
4. Расмларда ҳиссиётлар ҳам юзага чиқиши лозим.
5. Тил ўрганувчи ўзини ментал тасвирга алоқадор деб ҳис қилиши керак.

¹ Sperber H. Mnemotechniken im Fremdspracherwerb – mit Schwerpunkt „Deutsch als Fremdsprache“. –München: Iudicium Verlag. 1989. S. 25

² Dwyer F., Lamberski R. A review of the research on the effects of the use of color in the teaching-learning process. // International Journal of Instructional Media. 1983. № 10(4). – p: 303-330.

³ Дуяр М. Фотографик Hafiza Teknikleri 1. –Ankara: Basım Matbacılık. 2001. 19-s.

Тадқиқотда немис тилини ўргатишда қўлланиладиган мнемотехника турларининг ўзига хос методик хусусиятлари тадқиқ этилган. Немис тадқиқотчиси Х.Шпербер¹ чет тилларни ўргатишда қўлланиладиган мнемотехникалар асосан тўрт турга бўлинишини қайд этади:

- визуал мнемотехникалар;
- акустик мнемотехникалар;
- аралаш мнемотехникалар;
- ҳаракатга асосланган мнемотехникалар.

Визуал мнемотехникалар. Кўриш ёрдамида эслаб қолишга асосланган мнемотехникалар визуал мнемотехникалар деб номланади. Сўзлаш жараёнида хотирадаги тасвирлар автоматик равишда фаоллашмайди. Лекин кўзимиз бирор тасвир ёки расмга тушса, миямизда бирон нарсани тасаввур қилсак, унга мос тушунча автоматик равишда шу тасвир ёки тасаввурга ассоциация ҳосил қилади. Айнан шу жиҳат чет тил дарслари учун муҳим аҳамият касб этиши исботланган.

Тадқиқотда маълумотни визуаллаштириш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги аниқланган:

- кўпи билан уч хил рангдан фойдаланиш;
- алоқадорликни унга мос ранг ва шакл билан боғлаш (масалан, мужской родга мансуб сўзлар учун кўк, женский роддаги сўзлар учун қизил рангдаги ручка ёки қаламдан фойдаланиш кабилар);
- асосий маълумотларга алоҳида урғу бериш;
- фикр бўлинмаслиги учун меъёрдан ортиқ даражадаги эътиборни жалб этадиган тасвирлардан фойдаланмаслик;
- тасвирларнинг ноодатий бўлиши;
- қисқартмалардан фойдаланмаслик ва бошқалар.

Сўзларнинг остига рангли қалам ёки ручка, маркерлар орқали чизиб кетиш ҳам визуаллаштиришнинг бир тури ҳисобланади. Масалан, матнни ўрганиш жараёнида нотаниш сўзларни алоҳида рангда белгилаб кетиш, кейинги сафар фақат шу сўзларнинг ўзи билангина ишлаш, ўрганиш жараёнини тезлаштиради.

Акустик мнемотехникалар. Мнемотехниканинг бу тури тушунча ва акустик воситанинг ўзаро уйғунлашуви асосида шаклланади. Акустик мнемотехникаларнинг яратилишида қофия ҳамда ритм асосий омил ҳисобланади.

Аралаш мнемотехникалар. Бизнинг фикримизча, бу турдаги мнемотехникаларни визуал-акустик мнемотехникалар деб аташ мақсадга мувофиқ. Бундай мнемотехникаларда тушунча ҳам визуал, ҳам акустик ёрдамчи восита билан боғлаб эслаб қолинади.

¹ Sperber H. Mnemotechniken im Fremdsprachenerwerb. Mit Schwerpunkt «Deutsch als Fremdsprache». Iudicium Verlag, 1989. – 144 S.

Ҳаракатга асосланган мнемотехникалар. Бу мнемотехника турининг асосини эшитилган маълумотларни таънанинг тартибли ҳаракати билан мослашишида кўриш мумкин.

Биз мнемотехника турларини қуйидагича классификация қилишни маъқул топдик: визуал мнемотехникалар, акустик мнемотехникалар, визуал-акустик мнемотехникалар, маконга оид мнемотехникалар, ҳаракатга асосланган мнемотехникалар ва вербал мнемотехникалар.

Диссертацияда мнемотехник усуллар тил ўрганиш самарасини сезиларли даражада ривожлантириши асослаб берилган.

Жаҳон педагогикасида мнемотехникадан фойдаланиш узоқ даврни ўз ичига олади. Мнемотехникаларнинг немис тилини чет тил сифатида ўргатиш дарсларига олиб кирилиши нафақат дарс жараёни қизиқарли кечишига, балки тил ўрганиш жараёни динамикасининг ошишига, ўқув самарадорлиги юқори бўлишига ҳамда тил ўрганувчилар мотивациясининг кучайишига яхши таъсир ўтказди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш»** деб номланади. Бу бобда немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш йўллари, немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш модели, грамматик мавзуларни мнемотехника ёрдамида ўргатишнинг дидактик имкониятлари, сўз бойлигини оширишда мнемотехникадан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш тўғрисида баҳс юритилади.

Тил ўрганувчиларда мнемотехник компетенциянинг ривожланиши бошқа компетенциялар билан бир бутунликни ҳосил қилса, талаб даражасидаги нутқ лаёқати юзага келади. Тил ўрганувчиларнинг хотира имкониятлари ҳақидаги тушунча ва ўрганишнинг самарали усулларида фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ўрганиш самарадорлигига ижобий таъсир этади. Мнемотехник компетенция тушунчасини чет тил ўқитиш методикасида қўлланиб келинаётган компетенция тушунчаси ёрдамида шакллантириш мумкин. Таниқли методист Ж.Жалолов фикрича, «компетенция тилни ўрганишга ҳаракат қилмоқ, тил ўрганишга қобилиятли бўлмоқликдир»¹. Г.Асилованинг фикрига кўра эса «компетенция маълум бир соҳада фаолият юритиш жараёнида шахсий сифатлар ҳамда билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланишидир»². Ушбу таърифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мнемотехник компетенция чет тил ўрганиш жараёнида хотира имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилиш ва тил ўрганишга бўлган мнемотехник қобилиятга эга бўлишдир. Талабаларда мнемотехник компетенцияни шакллантириш учун мнемотехникадан фойдаланиш моделини ишлаб чиқиш зарур.

¹ Yoqubov I. Comparative Methods of Teaching English at Schools, Lyceums and Colleges. – Т., Bayoz, 2014. – 252 б.

² Асилова Г.А. Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида): Автореф. дисс. ...пед.фан. докт. –Т., 2017. Б.13

Немис тилини ўргатишда хотира техникаларидан фойдаланиш орқали самарадорликка эришиш модели дунё ва ўзбек тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилмаган. Немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш натижасида талабаларнинг нафақат немис тилидаги билимларини оширишга, уларнинг мнемотехник компетентлигини такомиллаштиришга, тил ўрганиш жараёни динамикасини ошишига эришилади. Талабаларнинг хотира техникалари ҳақидаги билимлари бойитилади, уларда мнемотехник ўқув материалларини ярата олиш кўникмаси шакллантирилади. Тадқиқот натижасида немис тилини ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш орқали самарадорликка эришиш модели яратилди.

Бугунги кунда таълим муассасаларида сўз бойлигини оширишнинг самарали усули ҳисобланган мнемотехникадан деярли фойдаланилмайди. Мнемотехника эслашни осонлаштирувчи, хотирамиздан қидираётган маълумотимизга борадиган тез йўлни кўрсатувчи усул ҳисобланади. Мнемотехника ёрдамида тил ўрганувчи янги ўқув материални узок вақт ёдда сақлаш қобилиятига эга бўлади. Янги сўзларни ёд олиш тил ўрганишнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Сўзларни визуаллаштириш ёрдамида ҳам қизиқарли, ҳам самарали тил ўргатиш жараёнини ташкил этиш мумкин. Маълумотларни хотирада узок сақлаш учун уларни одатдагидек оддий усуллар билан ўрганиш кифоя қилмайди. Сўзларни рангли, жуда катта ёки жуда кичик шаклда ёзиш мумкин. Қўйида немис тилини чет тил сифатида ўргатувчи С.Тунденинг немис тилидаги «соя» ва «ит» сўзлари учун қўллаган ёзувлари келтирилган¹.



1 расм. Сўзларни креатив ёзиш усули

Шунга ўхшаш креатив ёндашув рус педагоги И.Сорокинанинг дарсларида ҳам кузатилади². Унинг рус тилидаги сўз билан немис тилидаги сўзни боғлаб тайёрлаган тасвирлари диққатга сазовор.




2 расм. krank/касал сўзини таржимасини ёдда сақлаш

¹ Tunde S. Mit Lerntechniken zum erfolgreichen Deutschlernen. // Konferencia az általános iskolai idegennyelv-oktatásról „A jó gyakorlat”. –Budapest., 2004. – S. 2.

² Мнемотехника в изучении немецкого языка. мурожаат санаси: 13.06.2019 <https://infourok.ru>

Бу расмдан кўриниб турганидек, рус тилидаги **кран** сўзи немис тилидаги **krank** сўзи билан ажойиб тарзда боғланган. Унинг учун тайёрланган ҳикояча эса қуйидагича: сиз кураётган уй учун ишлаётган кран касал. У тузалиб ишни давом эттириши учун дори беряпсиз. Бу ҳолатни тасаввур қилиш ёрдамида, **krank** сўзи шу заҳотиёқ узоқ муддатли хотирага сақланади.

Графемали тасвирларга қараб немис тилини билмаган инсон ҳам бу сўзларни тушуниши мумкин:



3 расм. Сўзларни ўргатишда графемалардан фойдаланиш

Немис тили ўқитувчилари томонидан **tot** (ўлган) сўзини ўргатиш учун қўлланилган қуйидаги тасвир ҳам жуда қизиқарли дейиш мумкин, бунда иккита т ҳарфи худди христианларнинг хоҳи сингари, о ҳарфи эса қабр сингари ифодаланган:



4 расм. tot/ўлган сўзини визуаллаштириш

Одатда, христианларда қабр устида мана шундай хоч белгиси бўлади ва беихтиёр ўлим ёки ўлган сўзини ёдга солади. Бундай усуллар ёрдамида ўргатилган сўзлар хотирада узоқ муддат сақланади. Умуман, немис тилини ўқитишда грамматика ва сўз бойлигини оширишда мнемотехникадан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ж.Жалоловнинг фикрига кўра, «...тил тажрибасини ҳисобга олиш деганда, ўқувчи шу кунгача ўзбек, рус, чет тил (инглиз, испан, немис ёки француз тили)дан олган билим, кўникма ва малакасининг ҳозир ўрганаётган чет тил материални ўзлаштиришга салбий (интерференция) ёки ижобий (транспозиция/фацилитация) таъсири тушунилади. Масалан, чет тилдаги «артикуль» аталмиш грамматик ҳодисани ўргатиш чоғида, унинг ўзбек тилида мавжуд эмаслиги туфайли, мазкур грамматик категорияга оид «артикуль» тушунчаси шакллантирилади. Оқибатда ўқувчи тил тажрибаси энди чет тилдаги «янгилик» билан бойийди»¹. Ушбу «янгилик» эса тил ўрганувчилар олдида муаммо сифатида кўндаланг бўлади. Отларнинг родини вербал қоида сифатида ёдлаш тил ўрганувчиларга маълум даражада қийинчилик туғдиради ва уларни узоқ вақт ёдда сақлаш

¹ Jalolov J. Chet tili o`qitish metodikasi.–Т.: O`qituvchi, 2012. – 6 б.

ҳам осон эмас. Бу муаммони ҳал қилиш учун расмлардан фойдаланиш жуда самарали усулдир. Биламизки, расмларнинг ёдда сақланиб туриши узоқ вақт давом этади. Чунки расмни маълумотлар ўнг мия яримшари томонидан қабул қилинади. Бундай маълумотларни узоқ муддатли хотирага ўтказиш ва унга қайта муружаат қилиш тезлиги юқори бўлади. Масалан, мужской родга оид бўлган отларни қуйидагича расм ёрдамида ёдда сақлаш мумкин.



5 расм. Мужской родга оид типик отлар учун мнеморасм

Расмда берилган ҳар бир элемент ўзининг типик вакиллари хам шу родга оидлигини эслатиб туради. Масалан, *Januar* барча ой номларига, *BMW* эса қолган машина маркаларига ишорадир. Расмга мос қизиқарли ҳикоя тузиш эса бу жараённинг самарасини янада оширади.

Немис тилида отнинг қайси родга оидлигини кўрсатиб турувчи махсус қўшимчалар жадваллари мавжуд. Тадқиқотда жадваллар орқали берилган маълумотни шеърий парчалар орқали ўргатиш йўллари такомиллаштирилган. Масалан, мужской роднинг махсус қўшимчалари қуйидагича ўргатилиши мумкин:

Ich-ling-or-ismus, ast-ent-ist-iker,

Benutzen wir immer **DER**.

П.Хайнрих махсус қўшимчасиз бўлган отларни род учун типик бўлган рамзни танлаб олиш ва янги сўз ўрганилганида унга боғлаш ёрдамида эслаб қолишни тавсия этади. Тадқиқотчи женский род учун «*die Ballerina*» (балерина) сўзини танлаган. Масалан, балеринанинг эшик билан нимадир қилаётганини тасаввур қилиш ёрдамида «*Tür*» сўзининг артикли *die* эканлиги узоқ муддатли хотирага жойлаш мумкин. Уни мнеморасм сифатида қуйидагича тасвирладик:



6 расм. Die Tür/эшик сўзини артиклини эслаб қолиш учун мнеморасм

Маълумки, расмни ёдда сақлаш ва эслаш вербал маълумотга қараганда осон кечади. Кейинчалик эшик ҳақида ўйланганида беихтиёр балерина эсга тушади, бу эса сўзнинг женский родга оидлигини кўрсатади. Қолган родга мансуб отларга ҳам худди шундай ёндашиш мумкин.

Тадқиқотда немис тилидаги кўмакчиларни ўргатишда учрайдиган муаммолардан бири бўлган кўмакчиларни келишикларда аралаштириб юборишни бартараф этиш усуллари такомиллаштирилган.

Тил ўрганувчилар кўмакчиларни ёд олишади, лекин уларни қўллашда келишикларда аралаштириб юборишади. Мнемотехникадан фойдаланган ҳолда ушбу чалкашликларни осонгина бартараф этиш мумкин. Кўмакчиларни ўрганишда энг самарали воситалар *қўшиқ, ранг, расм* ва *тана аъзолари ҳаракати* ҳисобланади.

Масалан, **Akkusativ** келишиги учун кўк ва **Dativ** келишиги кўмакчилари учун қизил рангдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Улардан мунтазам фойдаланиш натижасида, рангларда ажралиб турган сўзларни фарқлаш жараёни инсон миёсида осон кечади ва кўк рангда ёзилган кўмакчилар Akkusativ келишиги кўмакчилари, қизил рангдагилари эса Dativ келишиги кўмакчилари эканлиги тез ёдга тушади. Бундан ташқари улар бирикиб келган отнинг сўз тартибидаги ўрни ҳам ёдда сақланади.

Вақтни ифодаловчи кўмакчилар ҳам тил ўрганувчиларни бироз чалғитади. Бунинг сабаби, улар ўзлари бириккан сўз билан бирга ўзбек тилига фақат *–да* мазмуни билан таржима қилинишидир. Масалан, 2017 йилда, июнда, чоршанбада, соат 12:00 да. Лекин улар немис тилида турли кўмакчилар ёрдамида ифодаланади. Уларни эслаб қолиш учун эса ритмик шеърдан фойдаланиш мумкин. Унга қўшимча тарзда бирор расмдан фойдаланиш эса унинг узоқ ёдда осон сақланишига ва осон қайта эслашга ёрдам беради¹.



7 расм. Вақтни ифодаловчи кўмакчиларни фарқлаш усули


Кўриб турганингиздек, wann/қачон сўроғига жавоб бўлувчи сўзлар агар йилни, ойни билдирса «im» (яъни in+dem=im) кўмакчиси билан, ҳафта куни бўлса «am» (яъни an+dem=am) кўмакчиси билан, соатни билдирса «um» кўмакчиси билан қўлланилади. Бу сўзларни қофияга тушиши, яхши жаранглаши учун уларнинг ҳар бири олдидан «р» товуши қўшилган,

¹ Mnemotechniken. Deutschlehrertagung. Мурожаат санаси. 7.08.2019. 12:26. <https://www.google.com>

натижада «**rim-ram-rum**» ритми ҳосил бўлган. Уни эслаб қолиш ҳам ёқимли, ҳам осон.

